

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

Маматкаримов С Д

*Жиззах вилоят прокуратураси жиноий суд ишларини юритишда прокурор
ваколатини таъминлаш бўлими прокурори*

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар айрим жазо чораларини қилмишнинг хусусиятига, жазолашдан кўзланган мақсадга эришиш учун етарлилигига қараб қайта кўриб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига айрим ҳуқуқбузарликлар учун қилмишнинг хусусиятидан, жазолашдан кўзланган мақсадга эришиш учун етарлилик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда маъмурий жавобгарликни бекор қилишга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритилган.

Шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги айрим тоифадаги ишлар фақат жабрланувчининг аризасига кўра юритилиши белгиланди.

Ушбу Қонун ҳуқуқий таъсир чоралари асоссиз қўлланилишининг олдини олишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Жумладан, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

МЖТКнинг 561-моддаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, шу жумладан жамоат транспортида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

Кодекснинг 151-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«151-модда. Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш

Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш, —

абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

Кодекснинг 261-моддасига кўра, “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги органлари” вазирлик номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақли эканлиги;

263-моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш борасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Кодекс янги 2693-модда (жабрланувчи-нинг аризасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш) билан тўлдирилди.

Қонундаги ушбу янги нормага кўра, ушбу Кодекснинг 40, 41, 44, 45, 46, 461, 52-моддаларида, 612-моддасида (бундан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мустасно), 1933-моддасида ҳамда 2022-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар жабрланувчининг ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш ҳақидаги аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, вояга етмаганлиги, ҳуқуқбузарга қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органнинг мансabdор шахси жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни бошлаши шарт.

Ушбу Кодекс 61-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик устав фондида давлат улуши мавжуд бўлмаган корхонага, муассасага, ташкилотга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилганда мазкур корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу Кодекснинг 612-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик устав фондида давлат улуши мавжуд бўлмаган корхонага, муассасага, ташкилотга нисбатан содир этилганда мазкур корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади»;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини

ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш юклатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1075-сонли Қонуни.